Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил 16 июнь ШАНБА

№ 47 (12.475)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz


БОЛАЛАР ЁЗИ – 2012



## ОРОМГОҲЛАРНИНГ БАҒРИ КЕНГ, ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ МЕҲРИ ДАРЁ

**Болажонлар ҳар йили завқ ва қувонч билан кутадиган фараҳбахш кунлар келди. Миллионлаб мактаб ўқувчилари сўлим ва гўзал тоғ бағирларидаги хушҳаво оромгоҳларда мириқиб дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлайдиган ёзги таътил мавсуми бошланди.**




Мустаҳкам оила йили муносабати билан барча мутасадди ташкилотлар болалар ёзи ҳар йилгидан ҳам кўнгилли ва хушчақчақ ўтиши учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришда фаол иштирок этди. Анча эрта бошланган тайёргарлик жараёнларида, айниқса, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва кўп болали оилалар, шунингдек, меҳрибонлик уйлари ҳамда мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини ҳар қачонгидан кўпроқ жалб этиш ва бепул дам олдириб, соғломлаштиришга ҳаракат қилинади.

Вилоят халқ таълими бошқармаси маълумотларига кўра, бу йилги мавсумда шаҳардан ташқаридаги тоғли ва тоғолди ҳудудлардаги сўлим табиат қўйнида жойлашган 13 та оромгоҳ ҳамда ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қошида ташкил этилган 112 та кундузги соғломлаштириш оромгоҳлари болажонларни ўз бағрига олади. Умуман, бу йил 30 мингдан зиёд ўқувчи ва тарбияланувчиларни дам олдириб, соғломлаштириш режалаштирилган.

Табиий ва иқлим шароити оғир бўлган Оролбўйи минтақаси, хусусан, Хоразм вилоятидан ташриф буюрадиган 1500 бола вилоят оромгоҳларида ёзги таътилларини ҳар жиҳатдан мазмунли ўтказиб қайтади. Улар учун бир қатор болалар оромгоҳларида қулай шарт-шароитлар олдиндан яратиб қўйилган. Жумладан, хоразмлик болалар Паркент туманидаги "Бойчечак", Ангреннинг тоғли Четсув қишлоғидаги "Коинот" ва "Йўлчи", Бўстонлиқ тумани Қоронкўл қишлоғидаги "Зангори олов", Ўрта Чирчиқ тумани Тошкент денгизи қирғоғидаги соясалқин "Меҳржон" оромгоҳларига жойлаштирилади.

Оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш одатдагидек, уч сменада ташкил этилади. Куни кеча Тошкент вокзалида биринчи сменада дам оладиган хоразмлик 350 бола тантанали кутиб олинди. Ушбу маросимда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши масъул ходимлари, оромгоҳлар директорлари, шунингдек, болаларнинг ёзги таътили мавсумини ўтказишга дахлдор барча ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

– Режага мувофиқ биринчи сменада дам оладиган 350 нафар хоразмлик болаларни тантанали кутиб олдик, – деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Муҳайё Холбоева. – Улар ёзги таътилларини "Бойчечак" ва "Меҳржон" оромгоҳларида ўтказишади.

Ушбу оромгоҳларда ҳар жиҳатдан мукаммал ташкил этилган маънавият ва маърифат, компьютер хоналари, бой китоб фондига эга кутубхоналар болалар ихтиёрида бўлади. Республиканинг таниқли илм-фан арбоблари, ёзувчи ва шоирлари билан учрашув, давра суҳбати ва савол-жавоб кечалари уюштирилади. Болалар турли тўгарак машғулотларида қатнашиб, спорт мусобақаларида чиниқадилар. Турли ўйинларда иштирок этиб, табиат қўйнига саёҳатлар қилиб, янги дўстлар орттиришади.

Хулоса қилиб айтганда, болажонлар ёзги таътил мавсумини ҳар жиҳатдан мириқиб ўтказиб, саломатликларини янада мустаҳкамлаб, янги ўқув йилига ўзгача завқ ва куч-ғайрат билан қайтишларига шубҳа йўқ.

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

**Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Швейцария ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, иқтисодиёт, савдо-саноат, сармоя, авиасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат ва кимё саноати, фармацевтика, сайёҳлик, тўқимачилик, солиқ ва божхона каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.**

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Бахтиёр Абдусаматов Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда ҳам изчил ривожланиб бораётганини, ҳукуматлараро комиссиянинг мунтазам ўтказиб келинаётган мажлислари ўзаро иқтисодий муносабатларни янада тараққий эттиришга, мамлакатларимиз ишбилармонлари ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар савдо-иқтисодий ва техникавий-молиявий ҳамкорлик, сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик, йўловчи ва юкларни автомобилда халқаро ташиш тўғрисидаги қатор ҳукуматлараро битимларга асосланади. Мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий қилинган. Ўтган йиллар давомида миллий ва минтақавий аҳамиятга молик ҳамкорликдаги кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди ва яна қатор лойиҳаларнинг ижроси давом этмоқда. Бу лойиҳалар сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини барпо этиш ва таъмирлаш, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш каби соҳаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда Швейцария сармояси иштирокида тузилган 91 қўшма корхона, ушбу мамлакатнинг 29 фирма ва компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, кимё ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, чиннисозлик, матбаачилик, тўқимачилик ва савдо каби соҳаларда иш олиб боради.

Музокарада Швейцария делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётни ривожлантириш йўлида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрен" махсус индустриал зонасида сармоядорлар учун яратилган қулай имкониятлар билан таништирилди.

– Ўзбекистон Швейцариянинг муҳим ҳамкорларидандир, – деди Швейцария Конфедерацияси Федерал иқтисодиёт вазирлигининг иқтисодиёт бўйича Давлат котибиятининг икки томонлама иқтисодий муносабатлар департаменти раҳбари, комиссия ҳамраиси Эрик Мартен. – Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётганини биз ғоят қадрлаймиз. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари глобал молиявий-иқтисодий инқироз талафотидан азият чекаётган бир даврда Ўзбекистонда пухта ва мустаҳкам шаклланган иқтисодий механизм боис мамлакатингиз ушбу бўҳрон таъсиридан деярли зиён кўрмай чиқа олди. Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун мамлакатларимиз ўртасида зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистонда барпо этилаётган иқтисодий зоналарда иш юритишга Швейцария сармоядорлари ҳам катта қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва барқарор ҳамкорлик муносабатларини жадал тараққий эттиришдан манфаатдормиз.

Музокарада ўзаро ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Сайёҳлик, банк-молия, савдо-сармоя, озиқ-овқат ва кимё саноати, фармацевтика ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф доирасида Швейцария делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Вилоят ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлинмаси ташаббуси билан Ғазалкент хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида "Баркамол авлод ҳуқуқлари – қонун ҳимоясида" мавзуида тадбир ўтказилди.**

## ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Унда вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ходимлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили – Омбудсманнинг вилоят минтақавий вакиллиги ва вилоят адлия бошқармаси масъул ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда ёшлар ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар содир этадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид қонунчиликда юз бераётган ўзгаришлар хусусида тушунчалар берилди.

Учрашувда сўзга чиққанлар ўсмир ва ёшлар бугунги имкониятлардан самарали фойдаланиб, аъло ўқишлари, спорт билан шуғулланишлари зарурлигини таъкидладилар. Бугунги кунда ўсмирлар ва ёшлар орасида учраётган ҳуқуқбузарликлар, уни юзага келтирган омиллар таҳлил этилиб, ёшлар ҳам бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

**Хуршид РЎЗИЕВ,**
**вилоят ИИБ матбуот маркази инспектори.**

**2012 йил учун**




**ОБУНА**

**давом этмоқда.**
**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси индекси – 205.**



## ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР

**Дунё тамаддунида ўз ўрни, нуфузига эга бўлиб бораётган Мустақил Ўзбекистонимиз яқинда ўзининг 21 йиллигини кенг нишонлайди. Бу қутлуғ санага бағишланган илк тадбирлардан бири "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилди.**

"Ватан ягонадир, ватан биттадир" мавзусидаги шеърхонлик ва мусиқий кечага вилоятимизнинг иқтидорли ёшлари, адабиёт, шеърият ихлосмандлари таклиф этилди. Ижодкор ёшларни аниқлаб, ўз иқтидорини намоён этишларига имкон яратиш, уларнинг ижодий ишларини жамлаш, қўллаб-қувватлаш, юрт истиқболини таъминлайдиган ҳар томонлама етук, баркамол, миллий-маънавий қадриятларимизни қадрлайдиган юксак салоҳиятли ўғил-қизларда истиқлол неъматларига шукроналик, фахр ва ғурур туйғуларини шакллантириш мақсадида уюштирилган назм ва наво кечаси иштирокчиларининг чиқишларини, ижодий ишларини Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, сенатор Маҳмуд Тоир бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати кузатиб, баҳолаб беришди.

– Сизлар "Истиқлол ёшлари" деган номга сазовор энг бахтли ўғил-қизларсиз, – деди Маҳмуд Тоир. – Мустақиллик инъом этган барча имкониятларга эгасиз. Яъни, орзу-интилишларингизга кенг йўл очилган. Юртбошимизнинг Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида илгари сурилган ғоя ва вазифаларнинг моҳияти, аҳамиятини чуқур англаб етишимиз лозим.


**(Давоми 2-бетда).**


## ХУРШИДБЕКНИНГ ОРЗУСИ

**Зангиота туманидаги "Алишер файз мурувват" фермер хўжалигидаги қуёнлар сони икки юзтадан ошди.**

– Парҳез гўшт берадиган бу қуёнларни боқиш билан уч киши банд,– дейди фермер Хуршидбек Аҳмедов. – Жониворлар учун махсус катакли жойлар тайёрлаганмиз. Озуқа хўжалик даласидан чиқаяпти. Агар озуқадан қийналиб қолмасак, йил охирига бориб пеликан зотли қуёнларимиз беш-олти бараварга кўпаяди. Бу хўжалигимиз учун қўшимча даромад бўлади.

Айни чоғда фермер ихтиёрида 250 гектардан ортиқ ер бор, унинг асосий қисми боғ, 12 гектар ерда чорва учун озуқа экинлари етиштирилаяпти.

– Насиб этса, ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириб, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини яратиб, сиз кўрган фермани хорижликлар ҳам ҳайратга тушадиган жойга айлантирамиз,– дейди фермер сўзининг якунида.

**"Туркистон пресс".**

ҚАРОР ВА ИЖРО

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги шу йил 14 июндан 12 августгача компьютер ўйинлари бўйича "Uzbekistan Cyber Games Beeline – 2012" Ўзбекистон чемпионати ўтказилиши ҳақида эълон қилди. Мусобақа "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда "infoCOM.UZ" журнали томонидан ташкил этилди. "Билайн" савдо белгиси остида фаолият кўрсатаётган "Unitel" масъулияти чекланган жамияти биринчиликнинг бош ҳомийси ҳисобланади.**

## КОМПЬЮТЕР ЎЙИНЛАРИ БИРИНЧИЛИГИ БОШЛАНДИ

Шу муносабат билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Х. Мирзоҳидов Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ёш авлодни илғор ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш жараёнига кенг жалб этишга хизмат қилаётгани ва турли компьютер ўйинлари каби интеллектуал таълим шакли ҳам бу жараёнга ёрдам бераётганини таъкидлади.

Ўзбекистон вакиллари 2003 йилдан буён "World Cyber Games – 2004-2008" жаҳон чемпионатлари ва 2007 ҳамда 2009 йилларда ёпиқ иншоотларда ўтказилган Осиё ўйинларининг саралаш турнирларида иштирок этиб келмоқда. Шу йиллар мобайнида вакилларимиз салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Масалан, Осиё Олимпия кенгаши кўмагида Макаода ўтказилган AIG-2007 ва Вьетнамда бўлиб ўтган AIG-2009 Осиё ўйинларида улар иккита кумуш ҳамда иккита бронза медалига сазовор бўлди. Бу эса уларнинг юксак салоҳиятга эга эканидан далолат беради.

Бу галги "UCG Beeline-2012" расмий ўйинлари дастурига "Counter Strike 1.6", "Dota All Star 5x5" жамоа ўйинлари, "NFS Most Wanted", "FIFA" ўйинлари киритилган.

Чемпионат икки босқичдан иборат бўлиб, июнь-июль ойларида Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қарши, Нукус ва Тошкентда ҳудудий саралаш турнирлари ташкил этилади. 11 август куни пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "UCG Beeline-2012" мусобақасининг миллий финал босқичи ўтказилади.

Ўзбекистон чемпионати якунлари бўйича навбатдаги "WCG-2012" жаҳон чемпионати ва 2013 йили Жанубий Кореяда ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган Осиё ўйинларида иштирок этадиган мамлакатимиз терма жамоаси шакллантирилади.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



# ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР



ангренлик "Довон жилғалари" тўгараги аъзоларининг иқтидори алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, Паркент, Пискент, Зангиота, Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Оҳангарон, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Янгийўл, Бекобод, Бўка туманларидан келган ёш қаламкашларнинг шеърлари тингланди. Тадбир давомида шоира Зарифа Эралиева, шоир Ботир Эргашев, навоийшунос олим Рустам Мирвоҳид ёш ижодкорларнинг шеърларини таҳлил этиб, амалий ёрдам кўрсатишди. Энг яхши шеърлар сараланиб, китоб ҳолига келтириш, ҳар бир ҳудудда ёш ижодкорлар тўгараги фаолиятини йўлга қўйиш ва тез-тез учрашиб туришга келишилди.

Эътиборлиси – ҳар бир шеърият шайдосининг юрагида Ватан ишқи, эл-юрт дарди бор. Бу ёғи энди бетиним изланиш, интилиш, шеър ёзиш қонун-қоидаларини мукаммал ўрганишларига боғлиқ.

Кечага ташриф буюрган таниқли санъаткорлар, сўз усталари учрашувга алоҳида файз бағишлашди. Тадбир якунида фаол иштирокчилар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Айниқса, адабиётга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар истеъдодингизни намоён этишингиз учун катта маънавий рағбатдир. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил этилган "Ижод фонди" фикримиз далили. Фақат, ижод йўлини танлаган ҳар бир ўғил-қизимиз ўзига ниҳоятда талабчан бўлмоғи, шеър ёзиш масъулиятини ҳис этмоғи лозим.

– Бугунги саодатли кунлар ёшларимиз учун кенг имконият эшикларини очиб бермоқда, – деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Зулфия Мўминова. – Замонамизнинг зийрак, зукко ёшларисиз. Дунё болалари ҳаётига назар солинг. Баъзиларининг, ҳатто, мактабда ўқиш имконияти йўқ. Баъзи жойларда мунтазам уруш даҳшатлари кезиб юрибди. Шунинг учун тинчлик, осойишталик, фаровонлик, озод ҳаёт, эркин ижод каби неъматларнинг қадрига етиш, ўқиш ва изланишдан, Ватан учун хизмат қилишдан чарчамаслигимиз керак...

Ўз навбатида вилоятимизнинг иқтидорли ёшлари ва шеърият ихлосмандларининг чиқишлари, Ватан, истиқлол, она юрт, ота-она, меҳр-оқибат, ғурур-ифтихор ҳақидаги шеърлари, устозлар таъкидлаган инсонийлик, бурч ва садоқат туйғулари каби янграtimes. Вилоят ёш ижодкорлари орасида ёниқ сўзи, ширин талаффузи, миллий либослари билан ажралиб турган

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

## 2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

# СОҒЛОМ АЁЛ – СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

***Одатда, ҳар қандай ота-она фарзандлари орасида эътиборга, ёрдамга эҳтиёжмандларига кўпроқ қайишади, токи, у бошқалардан орқада қолиб кетмасин. Ҳаётнинг ёзилмаган қонун-қоидаларидан бири ҳам кўпроқ кучсизларни қўллаш, рағбат беришдир.***

Ҳаётнинг нозик ҳилқати – Аёл зотини ардоқлаш, асраб-авайлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани Мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятидир. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида "Соғлом она – соғлом бола" тамойилига оид тадбирлардан яна бири "Соғлом она – соғлом жамият" деб номланди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Аёллар кенгаши", саломатлик ва тиббий статистика институти, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши, "Оила" илмий-амалий маркази, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Ибн Сино жамоат фонди вилоят бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилган аёллар спорт фестивали ва "Соғлом турмуш тарзи. Жисмоний фаоллик – саломатлик гарови" мавзуларидаги семинарларда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан келган хотин-қизлар фаол иштирок этишди.

Бўстонлиқ тумани Хўжакент қишлоғи "Боғишамол" оромгоҳининг байрамона безатилган ҳовлисида спорт кийимлари ярашган хотин-қизлар саф тортишди. Улар енгил атлетика, шахмат-шашка, белда ҳалқа айлантириш, арқонда сакраш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Мусобақа қатнашчилари орасида ўқитувчи, шифокор, тадбиркор, ҳатто, уй бекалари ҳам бор. Зангиоталик Гулнора Аҳророва – бошланғич синф ўқитувчиси, 46 ёшда. Аммо енгил атлетика бўйича ҳар бир машқни ёшлардан қолишмай, чаққон ҳаракатлар билан бажаришини барча қизиқиб томоша қилди. Оққўрғонлик 41 ёшли ўқитувчи Гулбаҳор Сафарованинг тиришқоқлиги ҳам нафақат томошабинларга, балки ўқувчиларга ҳам ибрат бўла олиши барчани қувонтирди.






– Мен шашка бўйича иккита ўйинни ютдим, – дейди бўкалик илғор пиллакор Матлуба Мусаева.

Унинг меҳнатда тобланган чайир жуссаси, маъноли боқишлари: "Ҳали кўп ишларни қойиллатишга қодирмиз!" деяётгандек.

Спорт одамни ёшартиришини тадбир иштирокчилари мисолида кўриш мумкин. Ўрта чирчиқлик коллеж ўқитувчиси Дилфуза Умаралиева югуришда 1-ўринга муносиб кўрилгани ҳам бежиз эмас. Қуйи чирчиқлик Ҳуринисо Ҳасанова, бекободлик Зарнигор Ортиқбоева ҳам энг чаққон, энг абжир эканликларини намойиш этишди.

Шахматда қибрайлик Ҳуснора Ортиқова, шашка ўйинида Дилдора Очилованинг маҳорати эътироф этилди. Спортчи аёллар орасида энг ёши улуғи, 54 ёшли Маҳмуда Мирзаева эса "Энг матонатли аёл" номига сазовор бўлди.

Спортчи аёллар юқорида таъкидланган семинар, давра суҳбатларида соғлом турмуш тарзи, фарзанд тарбиясида ота-онанинг роли ҳақида маърузалар тинглаб, фикр-мулоҳаза билдиришди. Қатнашчиларга саломатлик ҳамда "Оила" илмий-амалий марказлари тайёрлаган буклетлар, тавсияномалар тарқатилди. Мусобақа ғолиблари тадбир ташкилотчиларининг совғалари билан тақдирландилар.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

## ЯРМАРКА

# ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

**Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацияси биржасининг сўнгги Тошкент ҳудудий тадбирида 150 дан зиёд корхона иштирок этди. Тошкент халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси иштирокчилари кейинги уч йилда 3,5 баравар кўпайди.**

Корхоналарнинг 85 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, 88 таси маҳаллийлаштириш дастури иштирокчиларидир. Ярмарка-биржада электротехника, металлни қайта ишлаш, машинасозлик, қурилиш моллари, фармацевтика, медицина, қайта ишлаш ва озиқ-овқат, енгил, чарм-пойабзал, кимё, мебель, фарфор-фаянс, босмахона саноати корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш қилмоқда.

Тошкент ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси иши давомида хом ашё, материал ва бутловчи қисмлар етказиб бериш, шунингдек, тайёр маҳсулот сотиш юзасидан 40 миллиард сўм ва 50 миллион АҚШ долларилик шартномалар тузилди.

**Ирода МУРОДОВА,**
**Тошкент юридик коллежи талабаси.**

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган Жиноят ишлари буйича Тошкент шаҳар судининг 05.03.2012 й.даги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан, "Экокимёбиосервис" МЧЖ-га тегишли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1) Бошланғич нархи – 1 192 050 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ивлиева кучаси, 14-уй манзилида жойлашган, 2 қаватли битта бинодан иборат, бинонинг умумий майдони 748,0 кв.м., ертўласи ва 3-қавати ҳужжатсиз қурилган, конструкция тури ғиштли – "Меҳмонхона" бино-иншоотлари;

2) Бошланғич нархи – 4 075 660 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-А уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдон 4611 кв.м., фойдали майдони 1782,2 кв.м., конструкция тури ғиштли, шлакоблокли, 4 та бино ва 2 та ҳовузи мавжуд "Чойхона" (Сабо тўйхонаси) биноси;

3) Бошланғич нархи – 1 506 820 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 62-уй манзилида жойлашган, бинонинг умумий майдон 836 кв.м., 3 қаватли бинонинг 1-қаватининг бир қисми, конструкция тури – ғиштли, каркасли, "Маиший хизмат кўрсатиш" бино иншоотлари;

4) Бошланғич нархи – 2 808 670 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844 кв.м., фойдали майдони 2898,3 кв.м., 15 та биноли, конструкция тури – ғиштли, шлакоблокли, "Ишлаб чиқариш ҳудуди" бино иншоотлари.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 6 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.**

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига такроран Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 14.06.2011 йилдаги №10155/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич нархи – 31 556 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, С. Дарбоза кўчаси, 202/2-уй, умум. фойдаланиш майдони 45,24 кв.м., яшаш майдони 29,13 кв.м., 2-хонадан иборат бўлган 9-хонадон (тураржой) қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 6 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдоридаги закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

## МУЛОҲАЗА

**Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида 2012 йилга Мустаҳкам оила йили номини бериш таклифини киритиб, "Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ", дедилар.**

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Дарҳақиқат, мустаҳкам оила фуқаролик жамиятининг асосидир. Шу мақсадда Президентимиз "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини қабул қилишда қатор устувор вазифаларга эътибор бериш зарурлигини таъкидладилар. Улардан бири оила институтининг таълим-тарбия соҳаси билан амалий ҳамкорлигини кучайтиришдир.

Оила ҳуқуқий тарбия ва таълим тизимининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Ўзаро ҳурмат, олижаноблик, ҳалоллик муҳити қарор топган оилалардангина жамият учун фозил фуқаролар етишиб чиқади.

Оила асосий тарбия ўчоғи хисобланар экан, жамият ота-оналар зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, боланинг кўзи оилада очилиб, онги шаклланади, яхши-ёмонни ажрата бошлайди. Қолаверса, шуни аниқ тушунишимиз ва тан олишимиз керакки, фарзандлар хулқи-одоби ота-оналар, ёши катталар ва раҳбарларнинг шахсий намуналарига боғлиқ. Шу боис бола тарбиясини ота-оналар ўз хулқларини яхшилашдан бошлашлари лозим. Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий айтганидек, хар кимки илм-ҳикматни деса, уни ёшлигидан бошлаши, яхши ахлоқ ва одоб эгаси бўлиши, ёмон ишлардан сақланиши, хиёнат, макр ва ҳийладан узоқ юриши, барча қонун-қоидаларни билиши, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилиши зарур.

Маълумки, ҳар бир оиланинг ҳуқуқлари қонун йўли билан ҳимоя қилинади, кафолатланади. Шу билан бирга оиланинг ҳам жамият олдида ўзига хос мажбуриятлари мавжуд. Улардан бири оилада фарзандлар тарбиясидир. Ёшларни ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий жиҳатдан саводхон, маданиятли этиб тарбиялаш ҳозирги кунда оиланинг олдига қўйилган мақсадлардан биридир.

Конституциямизнинг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар" деб кўрсатилган. Шунингдек, Оила Кодексининг 2-моддасига кўра, бола туғилган ва яшаб турган оилага унинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолга етиши ҳақида ғамхўрлик қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш вазифаси юклатилган.

"Таълим тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасида вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта махсус касб-ҳунар таълимини олишлари учун жавобгардирлар дейилган.

Ҳар бир жамиятнинг негизини унинг фуқаролари, оилалар ташкил этади. Бинобарин, фарзандлар тарбиясига ва оилага бепарволик жамиятга бепарволикдир.

Фарзанднинг оилада қандай тарбия олиб ўсаётганини унинг хатти-ҳаракатларида, жамият, табиат ва қонунга муносабатларида яққол кўришимиз мумкин. Оилада ёшларимиз одоб-ахлоқ меъёрларини қай даражада ўрганиб, уларга амал қилсалар, келгусида ҳуқуқий меъёрларга ҳам шундай муносабатда бўладилар. Аввало оилада фарзандларга ўз мажбуриятларини, бурчларини тушунтириб, уларга сўзсиз амал қилишга одатлантириш лозимки, бу келгусида жамият олдидаги ҳуқуқий мажбуриятларини оғишмай бажаришларини таъминлайди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса шуки, ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда оиланинг ўрни беқиёс. Шу боис аввало ота-оналарнинг фарзанд олдидаги масъулиятини оширишнинг ҳуқуқий омилларини кучайтириш лозим, деб ўйлаймиз. Шунда, назоратсиз юрган, мажбурий таълим олишдан бош тортаётган ёшларни ва уларнинг тарбиясига лоқайд ота-оналарни яна бир бор ҳушёрликка чақирган бўлардик.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, Таълим тўғрисида, Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги қонунларда ота-онанинг фарзанд тарбиясига оид мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилганига қарамай, вояга етмаган фарзандларини турли сабабларга кўра ўқишга юбормай, меҳнатга жалб қилиб ёки турли курсларда ўқитиб, уйда олиб ўтирган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Уларни ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан маъмурий жавобгарликка тортиш орқали ҳушёрликка чақириш лозим. Бунда таълим муассасаси ҳамда маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, ёшлар ўртасида эрта турмуш қуришнинг олдини олиш ҳақида кўп гапирилаяпти. Қонунда қизларга 17 ёшдан никоҳдан ўтишга рухсат этилган. Айрим ҳолларда ушбу муддатни бир йилга чегириш ҳам мумкинлиги кўрсатилган. Унга амал қилиб, қизларимиз 16 ёки 17 ёшдан турмушга чиқадиган бўлса, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқиши лозим бўлган қизларимизнинг мажбурий таълими нима бўлади? Бу тизимда таълим олаётган ўқувчилар ўртача 16-18 ёшда. Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатларини тушунтириш билан бирга, балки, қонунчилигимизга ҳам никоҳ ёшига нисбатан маълум ўзгартиришлар киритиш лозимдир.

**Раъно ТУРДИБОЕВА,**
**ТошДАУ қошидаги Қибрай академик лицейи директори.**

# ДОИРА САДОСИ

**Ўзбекистон Давлат Консерваториясида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида ёш ижодкорларнинг "Доирам садоси" номли концерт дастури бўлиб ўтди.**

"Баркамол авлод" болалар ижодиёт маркази Тошкент вилояти бўлими, Успенский номидаги Республика мусиқага ихтисослашган академик лицейи ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур концерт дастурида консерватория ва лицейнинг "Халқ чолғулари" бўлими талабалари ўз ижодий чиқишлари билан қатнашишди.

Дастурда миллий куйларимиз билан бирга Осиё ва Лотин Америкаси давлатларининг урма чолғуларида чалинадиган мусиқий асарлар талабалар томонидан маҳорат билан ижро этилди. Қўш доира, терма ҳамда дўстлик усуллари каби йўналишлардаги асарлари билан бўлажак созандаларимиз йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

**"Туркистон-пресс".**

"SPARETRA" МЧЖда 2012 йил 10 майдан 10 июнгача бўлган ойлар давомида кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 15.05.2012 | Тошкент шаҳар Марказсаноатэкспорт корхонаси | "Нексия" 2007 й. д/р. 01 204 KBA | 13 500 000 | 15 600 000 |
| 22.05.2012 | Миробод туман СИБ | "Нексия" 2009 й. д/р. 01 R 277 BA | 21 000 000 | 23 100 000 |
| | Миробод туман СИБ | "Шевролет оптра" 2007 й. д/р. 30 V 8040 | 28 000 000 | 30 250 000 |
| | Бўка туман СИБ | "Ваз-2101" 1979 й. д/р. 11 V 6759 | 488 760 | 560 000 |
| | Бўка туман СИБ | "ГАЗ-31029" 1993 й. д/р. 10 A 954 CA | 624 235 | 825 000 |
| | Миробод туман СИБ | "Нексия" 2007 й. д/р. 10 R 212 AA | 20 824 332 | 23 700 000 |
| | Зангиота туман СИБ | "Нексия" 1999 й. д/р. 20 M 379 AA | 2 554 943 | 2 900 000 |
| | Миробод туман СИБ | "Дамас" 2008 й. д/р. 01 H 000033 | 13 973 315 | 16 000 000 |
| | Миробод туман СИБ | "Нексия" 2004 й. д/р. 01 R 148 BA | 19 000 000 | 21 700 000 |
| | Миробод туман СИБ | "Нексия" 2006 й. д/р. 01 F 019 JA | 14 400 000 | 16 500 000 |
| | Миробод туман СИБ | "Тико" 1997 й. д/р. 11 B 9711 | 6 500 000 | 8 000 000 |
| | Миробод туман СИБ | "Ваз-21065" 1996 й. д/р. 01 F 658 CA | 4 974 423 | 5 600 000 |
| | Миробод туман СИБ | "Hyndai Sonata Seday" 2010 й. д/р. 01 M 001766 | 82 800 000 | 88 800 000 |
| | Миробод туман СИБ | "Нексия" 2007 й. д/р. 10 H 8875 | 10 012 000 | 11 600 000 |
| 29.05.2012 | Олмалиқ шаҳар СИБ | "ВАЗ 2107" 1996 й. д/р. 11 P 2290 | 3 346 613 | 4 200 000 |
| | Олмалиқ шаҳар СИБ | "Матиз" 2004 й. д/р. 10 G 331 EA | 10 113 000 | 11 350 000 |
| | Олмалиқ шаҳар СИБ | "ГБА Дамас СПГ" 2008 й. д/р. 10 A 272 CA | 11 095 806 | 12 300 000 |
| | Олмалиқ шаҳар СИБ | "ДЭУ СИЕЛО" 1995 й. д/р. O 9566 T | 4 100 000 | 4 400 000 |
| | Чиноз туман СИБ | "Нексия" 2008 й. д/р. 30 Q 0793 | 14 032 000 | 15 700 000 |
| | Қибрай туман СИБ | "ВАЗ 21073" 1996 й. д/р. 30 V 7427 | 3 695 000 | 4 150 000 |
| | Олмалиқ шаҳар СИБ | "Нексия" 2009 й. д/р. 10 S 710 BA | 20 803 450 | 23 000 000 |
| 05.06.2012 | Тошкент шаҳар ССББ Махсуслаштирилган Автотранспорт корхонаси | "Супер Салон" 1996 й. д/р. 01 401 DAA | 2 762 680 | 3 100 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | "Дамас" 1998 й. д/р. 11 T 5408 | 8 696 700 | 9 600 000 |
| 07.06.2012 | Миробод туман СИБ | "Газ-31022" 1995 й. д/р. 01 V 696 CA | 4 355 436 | 4 700 000 |
| | Миробод туман СИБ | "Эпика" 2010 й. д/р. 10 N 717 DA | 51 000 000 | 57 000 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: 266-80-76.
Гувоҳнома № 004593.

XXI аср ва дунё

# НЕФТНИНГ ОДИЛОНА БАҲОСИ ҚАНЧА?

**Венесуэла президенти Уго Чавес агар уни октябрда бўладиган сайловларда президентликка қайта сайлашса, 2019 йилгача нефть қазиб олишни икки баравардан зиёдроқ кўпайтиришни ваъда қилди.**

Шу хабарни тарқатган Bloomberg нашрининг таъкидлашига кўра, Чавес ҳукумат тепасига келган 1999 йилдан буён нефть қазиб чиқариш ойига уч миллион барелл атрофида муқим бўлиб турибди. Бундан ташқари, давлат етакчиси нефтни қайта ишлашни бир кунда 1,3 миллион баррелдан 1,8 миллион барелга кўтармоқчи. Умуман, Венесуэла 2019 йилга бориб, кунига Осиё мамлакатларига 2,2 миллион, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларига 1,25 миллион, Шимолий Америкага 1,15 миллион ва Европага 550 минг барелл нефть жўнатишни режалаштирмоқда.

Чавеснинг фикрича, бир барелл нефтнинг энг одил баҳоси 100 доллар. У яна таъкидладики, ОПЕКка кирувчи айрим давлатлар (айнан қайсилар эканини аниқ айтмади) нефть экспорти учун белгиланган квотани бузиб, нарх пасайиб кетишига йўл қўймоқда. Нефть қазиб чиқариш квотасини пасайтириш масаласи 14 июнда Австрияда бўлиб ўтган ОПЕК саммитида кўриб чиқилиши керак эди.

Венесуэлада шу йил 7 октябрда бўладиган президент сайловларида Миранда штатининг собиқ губернатори Энрике Каприлес Чавеснинг асосий рақиби бўлади.

# ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

**Reuters тарқатган хабарда маълум қилинишича, Кот-д' Ивуар хавфсизлик хизмати мамлакатдан қувғин қилинган зобитлар ва собиқ президент Лоран Гбагбо маслаҳатчиларидан бири тайёрлаган ҳарбий тўнтаришнинг олдини олди.**



Маҳаллий ички ишлар бўлимида ҳикоя қилишларича, фитна иштирокчиларидан бир неча кишини ҳибсга олишди ва мамлакатни қайта тузиш режаси баён этилган қоғозни қўлга туширишди. Маълум бўлишича, қўзғалончилар амалдаги президент Алассан Уаттарни лавозимидан олиб ташлаб, катта зобит ва генераллардан иборат муваққат ҳукумат тузмоқчи эканлар. Буни исботлаш учун мамлакат ички ишлар вазирлиги бошлиғи видеоёзувни эълон қилди. Унинг айтишича, қўзғалончилар бу видеоёзувни маҳаллий телемарказни қўлга олганларидан сўнг эфирга узатмоқчи бўлганлар.

Видеоматериалда мамлакат байроғи олдида ўтирган бир неча зобит ҳокимият муваққат ҳарбий ҳукумат қўлига ўтганлигини маълум қилувчи мурожаатномани ўқиётган ҳолда тасвирга туширилган. "Давлат ҳокимияти институтлари тарқатиб юборилади. Бутун сиёсий фаолият тўхтатилади. Комендантлик соати эълон қилинади. Ер, ҳаво ва денгиз чегаралари ёпилади".

2011 йил апрелдаги қисқагина фуқаролар уруши натижасида президент лавозимидан қулатилган Гбагбо ҳарбий жиноятчи сифатида суд қилиш учун Гаагага юборилган эди. Унинг кўплаб тарафдорлари қўшни мамлакатларга ўтиб кетиб, Кот-д' Ивуарнинг янги ҳукумати хотиржам ишлашига ҳамон ҳалал бермоқдалар.

НИГОҲ

# ТОЖИКЛАР ЮРТЛАРИНИ НЕГА ТАРК ЭТИШАЯПТИ?

**Миллий анъаналарни умумжаҳон глобаллашувининг таркибий қисми бўлган ғоявий курашга қарши восита сифатида қайта тиклаш Тожикистонда биринчи галдаги вазифа деб эълон қилинди. Таълим тизимида бир қатор тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида тарғибот олиб борилаяпти. Жойларда турли анъанавий байрам ва маросимлар ўтказиш рағбатлантирилмоқда. Фақат диний таълим тизимигина бу саъй-ҳаракатлардан четда қолаяпти. Негаки, бу тизимни тартибга келтириш учун республика ҳукуматида куч ҳам, маблағ ҳам топилмади.**



Гап шундаки, Тожикистонда миллий анъаналар ва диний маслак бир-бири билан узвий боғлиқ. Одамлар ҳаёти, урф-одат ва расм-русумлар ислом маданияти билан уйғунлашиб кетган. Шу боис аҳоли анъаналарни тиклашни диний маслакка қайтишга кўмаклашувчи восита сифатида табиий йўсинда қабул қилмоқда. Диний таълим муассасалари йўқлиги боис ўз юртларида маълумот олишдан маҳрум Тожикистон фуқаролари чет элларга, ислом давлатларининг теология (илоҳий таълимот) марказларига кетишга мажбур бўлмоқдалар. Ёшлар айрим шундай марказларда давлат қурилишининг теологик асосларини хулосалаб берувчи билимларни эгаллашди. Аммо, бундай билим Тожикистон ҳукумати тарғибот қилаётган қарашларга, Конституцияга мувофиқ дин давлатдан ажратилганига умуман мос келмайди.

Ниҳоят, буни тушуниб етган республика раҳбарлари чет эллардаги диний муассасаларда таълим олаётган Тожикистон фуқароларини шошилинч қайтаришга киришди. Бироқ, бу ҳаракат хорижга ўқиш учун кетаётганлар оқимини баттар кучайтирди. Раҳмоннинг тақиқини четлаб ўтиш учун одамлар учинчи мамлакат ҳудудидан фойдаланишга мажбур бўлишаяпти. Жумладан, кейинги вақтда меҳнат мигранти сифатида Россияга ўтиш йўлидан фойдаланилмоқда. Сўнг ўша ерда туриб, Яман, Эрон, Покистон мамлакатларидаги диний ўқув муассасаларида таълим олиш учун ҳужжатларни тайёрламоқдалар.

Ҳолбуки, республика фуқароларига она юртларида шундай теологик таълим олиш имконияти яратиб берилса, бунинг учун диний ўқув муассасаларида дарс берувчи кадрлар тайёрланса, олам гулистон эди. Ҳатто, ҳозир ишлаб турган йирик масжидлар базасида мадрасаларни кўпайтирса, улар етарли даражада билимга эга бўлган ўқитувчилар билан бутланса ва шу йўл билан у ёки бу радикал оқимларнинг динга хилоф нуқтаи назарларидан талабаларни тўла хабардор қилса ҳам бўларди. Бу билан анъанавий диний қарашларнинг давомийлиги сақлаб қолинарди. Шунда тарихий-маданий урф-одатлар ва ҳаёт тарзини қайта тиклаш жараёни хотиржам ва янада самарали кечарди. Бундан ташқари, мамлакатни тарк этаётганлар сарфлаётган катта маблағлар Тожикистоннинг ўзида қоларди.

Диний ишлар бўйича қўмита билан ички ишлар вазирлиги қошидаги миграция хизмати ҳамкорлигида махсус комиссия тузилган. У республиканинг барча маъмурий марказларида фаолият юритади. Мамлакатдан чиқиб кетаётган гастарбайтерлар ўртасида экстремизмнинг жамиятга қандай хавф солишини тарғибот қилувчи адабиётларни тарқатиш шу комиссиянинг вазифасига киради. Ҳукумат шундай рисолалар чоп этишга 2,5 миллион сомонийдан кўпроқ маблағ ажратди.

Кейинчалик хорижий давлатлардаги теологик марказларда ўқишни режалаштириб, Россия Федерациясига чиқиб кетаётган меҳнат мигрантларини аниқлаш мақсадида махсус комиссиянинг мутасадди вакиллари улар билан савол-жавоб ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Аммо, бу чоралар натижа бермаяпти. Масалан, Панжикент туманида комиссия раҳбарлигига туман ички ишлар бўлими қошидаги миграция гуруҳи бошлиғи майор Б. Сирожиддинов тайинланган. Майор уламолар кенгаши аъзолари ҳамда мусулмонларни мунтазам йиғилишларга чақириб туради. Улар туман аҳолиси ўртасида экстремизм таҳдидига оид адабиётларни тарқатишади, якка суҳбат, мажлис ва бошқа профилактик чора-тадбирлар уюштиришади. Бундай саъй-ҳаракатларнинг ҳаммаси мамлакатнинг барча ҳудудларидан марказга келадиган узундан-узоқ ҳисоботлардан ўрин эгаллайди. Аммо, шуниси ажабланарлики, бу ишга қўл урилганидан буён ва кўплаб мажлислар ўтказилаётганига қарамай, туманда хорижга чиқиш учун ҳужжат топширган фуқаролар икки баравар кўпайди.

**Солмон ГАЖИЕВ.**
**www.centrasia.ru.**

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

КЎРГАЗМА

# ТАРИХИЙ ХОТИРА

**Ўзбекистонда ягона, Ўрта Осиёда энг йирик махсус ҳужжатларни сақлашга ихтисослашган Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архивидаги тарихий манбалар мажмуаси нафақат Ўзбекистон, балки чет эл тадқиқотчиларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Архив материаллари асосида тадқиқотлар олиб бораётганлар турли соҳа вакилларидир.**



Архивда Туркистон ўлкаси ва Ўзбекистон халқлари ҳаётининг XIX аср иккинчи ярмидан то ҳозирги давргача бўлган барча жабҳаларини қамраб олган ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар, киножурнал, сурат, фотоальбом, ҳужжатли ва бадиий овозли ёзувлар сақланмоқда.

Архивдаги суратли ҳужжатларнинг энг қадимгилари Туркистон ўлкаси давлат тузилиши, ҳунармандчилик ривожи, аҳолининг кундалик ва маданий ҳаёти, қурилиш, архитектура ҳақида ноёб тасвирий маълумотларни ўз ичига олади. Шунингдек, архивдаги киноҳужжатларда 1930 йиллардан Ўзбекистонда яшаган ва яшаётган халқларнинг ҳаёти ҳақида лавҳалар ҳам сақланмоқда. Архив ҳужжатлари таркибида биринчи ўзбек кинооператори Худойберган Девонов суратга олган кадрлар ҳам мавжуд. Овозли ҳужжатлар таркибида эса XX асрнинг бошларидан то ҳозиргача бўлган ўзбек халқ мусиқалари, таниқли шахсларнинг нутқлари туширилган овозли ҳужжатлар ҳам бор.

Халқаро архивлар куни муносабати билан Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залига қўйилган экспозицияларда юртимиз маорифи, айниқса, хотин-қизларнинг нурга, маърифатга интилишини, ҳунармандчилигимиз, Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби тарихий шаҳарларнинг турли даврлардаги меъморий ёдгорликлари, табиати, фан ва техника тараққиёти акс этган турли йилларда суратга туширилган фото лавҳаларни кўрамиз.

"Ҳожикент. Бўстонлиқ тумани. Қоядаги тасвирлар. 1957 йил", "Тошкент канали трассасидаги лагерь. 1940 йил", "Чирчиқ дарёсида қурилган кўприк. Чирчиқ қурилиш. 1935 йил", "Псков дарёси водийсидаги табиат яратган тош қўзиқорин", "Ангрен шаҳридаги нон заводининг янги биноси. 1948 йил" каби фотосуратлар томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Шунингдек, кўргазмалар залига ўзбек халқ мусиқалари, таниқли санъаткорларнинг ижодларидан намуналар, 60-80 йиллардаги кино ва сурат яратиш техникаларидан намуналар, архив фондида сақланаётган айрим киноҳужжатлар ва улардан лавҳалар ҳам қўйилган.

Экспонатлар билан танишар эканмиз, бугунги ҳаётимиз, унинг маданияти ўз-ўзидан пайдо бўлмаганини, унда қўли қадоқ фидойиларнинг меҳнати борлигини яна бир бор ҳис қиламиз ва улар билан фахрланамиз.

Кўргазма давом этмоқда.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ҚОРДАН ҚУТУЛИБ, ЁМҒИРГА ТУТИЛГАНЛАР

Ҳар қандай жиноят ортида, албатта, носоғлом оилада тарбия топган ёки умуман тарбия кўрмаган, таъбир жоиз бўлса, "бадбахт" кимсалар туришини яхши биламиз. Баъзан, дурустгина оилаларнинг фарзандлари ҳам жиноят кўчасига кириб қолади. Бунинг сабаби ҳам аввало, нотўғри, ножўя тарбия. Бу каби ҳолатларга дуч келганда, мамлакатимизда соғлом ва мустаҳкам оила учун қилинаётган жиддий саъй-ҳаракатлар бежиз эмаслигига амин бўламиз.

Вилоятимизнинг узоқ қишлоқларидан бирида истиқомат қилувчи Сожида Эргашева, унинг дугонаси, бошқа вилоятдан келган Жамила Юсупованинг саргузаштлари "ёмоннинг бир қилиғи ортиқ" деган мақолни ёдга солади. Агар Сожида ҳам, Жамила ҳам ориятли, фаҳм-фаросатли ота-она, соғлом, мустаҳкам оила бағрида вояга етганларида бундай аянчли аҳволга тушмасмиди?!

– Уйда мени доим уришади, "пул топ" деб қисташади. Акам уради, онам эса пул эвазига бошқа эркаклар билан бўлишга мажбур қилади, – дейди қизлардан бири. – Шунинг учун уйдан кетишга мажбур бўлдим... Менга иш топиб беринг. Чет элга, Туркияга бориб ишласам ҳам майли. Ўзимга уй олишим керак...

Бу сўзлар нечоғлик тўғри ёки нотўғрилиги бизга қоронғу. Аммо қизларни "чет элдан иш топиб бераман, маоши ҳам мўмайгина" деб қармоққа илинтирган чирчиқлик Шоҳида Ортиқова судда ўзини оқлаш учун шуларни сўзлаб берди.

Шоҳиданинг синглиси Матлуба Бозорованинг айтишича, у Туркияга ишлаш учун борди. Савдо-сотиқ дўконида фаррошлик қилди. Бир куни бозорда Сожидани кўриб қолди-ю, унинг илтимосига кўра, "иш" топиб берди.

"Жабрланувчи"ларнинг сўзларига қулоқ тутсангиз, воқеа тафсилоти сал бошқачароқ: опа-сингил ўзаро тил бириктириб, қизларни сотиш, жарақ-жарақ пул ишлаш учун аввал Сожидани, кейин Жамилани Ўзбекистондан Туркияга юборишди. Истамбулда опа жўнатган "ўлжа"ларни сингил кутиб олиб, разолат комига рўбарў қилди.

– Мен бу ерда нима қиламан? – деди Сожида ҳайрон бўлиб. – Ахир магазинда ёки хонадонларда ишлайсан, деган эди-ку, Шоҳида опам.

– Йўқ, – деди совуққонлик билан Матлуба. – Сен фоҳишалик билан шуғулланасан. Ҳозир мижозлар келишади... Аввалига тихирлик қилиб, оёқ тираб туриб олган Сожида шу топда тақдири Матлубанинг қўлида эканини фаҳмлади. Чунки, ортга қайтишнинг иложи йўқ, на пул, на ҳужжат бор эди унда. Сожида шу ондан бошлаб бўйнига тавқи-лаънат илинган қора кунларнинг қулига айланди. Орадан бир, бир ярим ой вақт ўтди. Фаҳш ботқоғига ботган қиз, дугонасини ҳам аяб ўтирмади.

– Мен магазинда ишлаяпман, ишларим яхши, – дея алдади. Ҳатто, Жамиланинг йўлкираси учун 250 доллар пул жўнатди. Аммо, унинг ёлғон сўзларига ишониб, Истамбулга учиб келган Жамилани кўргач, ичида нимадир қўзғалди, ўкириб йиғлаб юборди, балки виждони томоғига тиқилгандир.

– Мени кечир, Жамила, – деди у хўнграб, – улар мени мажбурлашди, сенга шундай дейишим керак эди...

Шундай қилиб, икки дугона яна бир ярим ой тубанлик қаърида саргардон кезишди. Қайсидир инсофли одам туфайли Ўзбекистонга қочиб келишга муваффақ бўлишди. Табиийки, уларни чоҳга итариб юборганлардан ўч олиш учун ички ишлар бошқармасига мурожаат қилишди. Лекин, муқаддам бир неча бор судланган, қаҳри қаттиқ Шоҳида Ортиқова барча қилмишларидан тониб тураверди. Бошқача қилиб айтганда, сиртига сув юқтирмасликка ҳаракат қилди. Аммо, гувоҳларнинг кўрсатмалари, қилни қирқ ёрувчи ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг асосли далиллари билан айбдор деб топилган одам савдогари ўз жазосини олди. Олдинги ўталмаган муддатлари ҳам қўшилган ҳолда 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Албатта, жиноятга жазо муқаррар. Лекин бу билан жиноят қурбонларининг суратию сийратидаги, юракларидаги доғлар ювилармикан?!

**Дурдона МИРҲАЙДАРОВА.**

БУ – ҚИЗИҚ

## *Митти ноутбуклар*




**Тайваннинг "Gigabyte Technology" компанияси харидорларга дунёдаги энг "митти" ноутбукларни тақдим этмоқда. Оғирлиги 975 граммни ташкил этувчи X11 ноутбукнинг экрани 11,6 дюймни ташкил қилади.**

Бу янги технологиянинг корпуси углерод толалардан тайёрланган бўлиб, 4 гигабайт хотирага эга. Катта ноутбуклар сингари кўплаб вазифаларни бажарувчи бу митти электрон китобча жорий йилнинг июль ойида савдога чиқади. Унинг нархи тахминан 1200 АҚШ долларига тенг.

**ЎзА.**


Миробод тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "SAVDOGAR-BIZNES" хусусий корхонасига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"ADAMANT BUSINESS" масъулияти чекланган жамияти ва "ADAMANT SOFTWARE" масъулияти чекланган жамиятлари "ADAMANT TECHNO" масъулияти чекланган жамиятига бирлашиб кетишини маълум қилади. "ADAMANT TECHNO" МЧЖ "ADAMANT SOFTWARE" МЧЖ ва "ADAMANT BUSINESS" МЧЖларнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

"ALLES CONSTRUKTION CHEMICALS" МЧЖ ХК ташкилий-ҳуқуқий шакли "ALLES CONSTRUKTION CHEMICALS" МЧЖга ўзгараётганлигини маълум қилади. Шунга кўра, "ALLES CONSTRUKTION CHEMICALS" МЧЖ "ALLES CONSTRUKTION CHEMICALS" МЧЖ ХКнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ҳамда барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Жамиятнинг устав фонди 153 903,77 (бир юз эллик уч минг тўққиз юз уч АҚШ доллари 77 цент) АҚШ долларидан 123 123,01 (бир юз йигирма уч минг бир юз йигирма уч АҚШ доллари 01 цент) АҚШ долларига камайтирилишини маълум қилади.

Эътирозлар Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тузель қфй, У. Алимбеков кўчаси манзили орқали қабул қиланиди.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2012 йил 5 май сонидаги «Ўрта Чирчиқ туманидаги 13-умумтаълим мактаби томонидан 2008 йилда Йўлдошева Арофат Сайфутдин қизи номига берилган O`R-SH 0918669 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги» тўғрисидаги эълон
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

# «ҚАРИГАНДА ҚАРМОҚҚА ИЛИНИБ...»

Гиёҳванд моддаларни "Оқ ажал", "Оғу", "Инсон наслининг кушандаси" деб бекорга айтишмайди. Инсониятни, айниқса, ёшларни унинг таъсиридан асраш энг масъулиятли вазифалардан бири бўлиб қолди. Бу ишда таълим-тарбия муассасалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа нодавлат ташкилотлар, айниқса, ота-оналар масъулдирлар.

Бола тарбиясида ота-она шахсий намуна ва ҳар томонлама ўрнак бўлмоғи керак. Бироқ ота ёки онанинг ўзи гиёҳванд бўлса-чи?

Абдулфайз Чинпўлатов Пискент тумани Х. Қодиров қишлоғида яшайди. Уч фарзанднинг отаси. Одатда ёши қиркдан ошган одам ақли қуюлиб, кўпчиликка бош, эл юрт оғаси бўлиб қолади. Ёшларни тўғри йўлга соладиган бўлади. А. Чинпўлатов эса ҳеч қаерда ишламайди, оиласига боқиманда. Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ деганларидай, гиёҳванд бўлиб қолганига нима дейсиз? У Олмалиқ шаҳри "Камалак" даҳасида шахси номаълум аёлдан 100.000 сўмга героин сотиб олиб, уйига олиб келганида қўлга олинди.

Икром Бобоев ҳам А. Чинпўлатовнинг ҳамқишлоғи. Чиллаки чиллакидан ранг олганидек, у ҳам Олмалиқ шаҳридан 30.000 сўмга героин сотиб олиб, уйига келган пайтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари қўлга туширишди. Уч фарзанднинг отаси бўлган бу шахс МТПда қоровул бўлиб ишлайди.

Шу қишлоқда яшовчи Абдуқаҳҳор Мусурмонов ҳам уч фарзанднинг отаси. У кўкнори ўстиришнинг антиқа йўлини топди: уйда, гултувакларга экиб парвариш қила бошлади. Лекин унинг ҳийлаларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари фош этишди.

Пискент шаҳри А. Алавия кўчаси 100 уйда яшовчи Бахтиёр Йўлчиев гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланганлиги учун илгари икки марта судланган ва 2010 йилда қамоқдан бўшатилган эди. "Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас" деганларидек, қонунбузарликка ўрганган Б. Йўлчиев учинчи марта шу жиноятга қўл урди. Шаҳар ташқарисидаги жардан ёввойи нашаларни йиғиб, қуритиб, истеъмол қилиш ва сотиш учун сақлаб қўйганида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари қўлга олишди.

Илҳом Тошпўлатов А. Темур кўчаси 5-уйда яшайди. У муқаддам икки марта судланган бўлса-да, яна қонунни бузди. Тумандаги Ўзбекистон қишлоғидан ёввойи наша йиғиб келиб, қуритиб 1050 граммини истеъмол қилиш ва сотиш учун сақлаб қўйганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари ашёвий далил сифатида олишди.

Пискент шаҳри Тўмарис кўчаси 9-уйда яшовчи Дмитрий Ан ҳамда Фарҳод кўчаси 3-тор кўча, 6-уйда яшовчи Ҳасан Шоматовнинг хонадонидан ҳам қуритиб, истеъмол учун тайёрлаб қўйилган ёввойи наша топилди.

Юқорида номлари келтирилган шахсларнинг барчаси қонунга кўра қилмишига яраша жазоланди.

Гиёҳвандликка берилиш инсоннинг тубанлик ботқоғига ботиб бораётганидан дарак беради. Тубанлик эса шахс таназзулидан далолатдир. Юқоридаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига наҳотки, маҳалла фаоллари, қўни-қўшнилар бефарқ бўлганлар? Бугун маҳалла фаоллари йиғинларига берилган ҳуқуқ ва ваколатлар уларнинг зиммасига ҳар бир фуқаро учун жавобгарлик масъулиятини юклаши ҳеч кимга сир эмас.

**МУАТТАР.**

БИЛАСИЗМИ?

# ГАЗНИ ЙИҒИБ, ҚАЙТА ИШЛАНГ!



Канадада ҳавога чиқарилаётган табиий мувозанатни бузувчи газларнинг ҳажмини кескин камайтириш тўғрисидаги қарор кучга кирди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бундан буён мамлакатдаги барча ёқилғи-энергетика соҳаси ва иссиқлик электр станциялари тизимида фаолият кўрсатувчи корхоналар ҳавога чиқарилаётган зарарли газларнинг муайян миқдорини йиғиб, ундан қайта фойдаланади.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бундан кўзланган асосий мақсад атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, 2020 йилга бориб инсон саломатлигига зиён етказувчи ва табиатни заҳарловчи газлар ҳажмини йигирма фоизга қисқартиришдан иборат.

**ЎзА.**

РАССОМ ХАНДАСИ




caricatura.ru


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Равшан ЁҚУБЖОНОВ
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-642. Адади 12287. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.20. 12345